O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Jomboy tuman
H O K I M I
Q A R O R I

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Джамбайского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 yil « 18 **»** сентябр **№** 458-к **Jomboy t.**

Исмоилов Бобирга ғалла-сабзавотчиликга ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли карорига асосан Ер участкаларини бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чикиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг хулосаларини, Халк депутатлари туман Кенгашининг карорига асосан талабгорлар Исмоилов Бобир ва Бегалиев Кахрамонлар ўртасида ўтказилган танлов якунлари хужжатларини ҳамда Жомбой тумани Қудукли маҳалласида яшовчи фукаро Исмоилов Бобирнинг ғалла-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ер ажратиш тўғрисидаги аризасини кўриб чикиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкаларини бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чикиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг хулосасига, Халк депутатлари туман Кенгашининг карорига асосан фукаро Исмоилов Бобирга ғалла-сабзавотчилик ихтисослиги бўйича фермер хўжалик ташкил этиш учун туман ҳокимлиги ихтиёридаги (Жомбой агро култура фермер хўжалигидан кайтариб олинган) Жомбой массивида жойлашган 991, 992, 985, 986-контурлардаги жами 20,1 гектар, шундан сувли экин ери 19,0 гектар, йўллар 0,3 гектар, канал ва коллекторлар 0,8 гектар ер майдонлари 49 (кирк тўккиз) йил муддатга ижарага ажратилсин.
2. Фукаро Исмоилов Бобирга туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасидаги ер ижара шартномасини расмийлаштириш бўйича туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига 3 кун муддат ичида мурожаат килиш ва рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.
3. Жомбой туман "Давлат хизматлари" маркази директори (Р.Рахматов)га белгиланган тартибда фермер хўжалиги Низомини рўйхатга олиш ва бу ҳакда тегишли ташкилотларга расмий маълумот бериш топширилсин.
4. Фермер хўжалиги бошлиғига ижарага берилган ер майдони бўйича ҳамда ишлаб чикарилган кишлок хўжалик махсулотлари тўғрисида ҳисобот туман статистика бўлимига ҳамда тегишли ташкилотларга бериб бориш вазифаси юклатилсин.
5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган фермер хўжалигига ер ажратиб бериш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан белгиланган максадда фойдаланишини назорат килиб бориш вазифаси топширилсин.
6. Туман Давлат солик инспекцияси (Ш.Азаматов)га фермер хўжалигини бюджет билан бўладиган муомаласини белгилаб бериш ва конунда белгиланган тартибда солик ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.
7. Фермер хўжалиги бошлиғига ўз муддатларида белгиланган (моддий техника базасини яхшилаш) устав жамғармасини шакллантириш вазифаси топширилсин.
8. Туман ҳокимининг ўринбосари А.Икромовга, туман кишлок хўжалиги бўлими (Ғ.Ходжаев)га фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларида 2020 йил ҳосили учун тугалланмаган ишлаб чикариш харажатлари сўммаси турлари бўйича таксимлаш, "Жомбой дон махсулотлари" АЖ билан ғалла топшириш шартномасини расмийлаштириш ва давлатга ғалла топширилишини таъмнлаш вазифаси юклатилсин.
9. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 6-бандига асосан белгилангандан бошка максадларда (ноконуний хар кандай курилишлар курилганда) фойдаланилганда ва 7-бандига асосан ер участкасининг ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда ушбу карор ўз кучини йўкотиши ҳамда ер участкасига бўлган ҳукук бекор бўлиши ва давлатга келтирилган зарар ердан фойдаланувчидан ўндирилиши ва ноконуний курилган хар кандай курилиш фермер хўжалигининг раиси томонидан буздирилиб бартараф этилиши тўғрисида фермер хўжалиги раиси Исмоилов Бобир ушбу карор билан огохлантирилган деб ҳисоблансин.
10. Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Икромов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Қ.Собиров**

SAMARQAND VILOYATI JOMBOY TUMANI DEVONXONA